



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

2025 йил – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 12 июнь, № 119 (9014)

Пайшанба

Сайтимида ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАР КЕНГАШИНИНГ УЧИНЧИ МАЖЛИСИ ДОИРАСИДАГИ САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 июнь куни Хорижий инвесторлар кенгашининг учинчи мажлиси доирасида бир қатор нуфузли ташкилотлар раҳбарлари бошчилигидаги делегация вакиллари қабул қилди.



Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо бошчилигидаги делегация билан учрашувда Ўзбекистон ушбу нуфузли халқаро молиявий институт ўртасидаги стратегик ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Қўшма лойиҳалар портфели кен-

гайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди: ЕТБнинг Ўзбекистонга инвестициялари 5,5 миллиард евродан ошди. Жорий йилда яна 1,1 миллиард евро жалб қилиш режалаштирилган бўлиб, унинг катта қисми хусусий секторни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Шериклик стратегияси самарали амалга оширилмоқда. ЕТБнинг фаол кўмаги билан банк соҳаси трансформация қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳамкорлик натижаларини ошириш муҳимлигини таъкидлаб, унинг асосий устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Сув таъминоти тизимини технологик жиҳатдан модернизация қилиш, энергия самарадорлигини ошириш дастурини илгари суриш, ипотека бозорини, эркин иқтисодий зоналар инфратузилмасини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес имкониятларини кенгайтириш, аёл-

лар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш каби йўналишлар шулар жумласидан. Таълим ва тиббиёт соҳаларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини илгари суриш, суъний интеллектни жорий қилиш ва рақамли трансформацияга қаратилган стартапларни

қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ломбардия Италиянинг аҳолиси энг кўп ва йирик худудлардан бири бўлиб, Европанинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган вилоятлари қаторига қиради.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Мағбуот хизмати суратлари.

### АМАЛИЙ ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАШАББУСЛАР

11 июнь куни Халқаро конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хорижий инвесторлар кенгашининг учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтган тадбирда Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, «Masdar», «Indorama», «ACWA Power», «Vision Invest», «DataVolt», «Veon», «Boeing», «Air Products», «SpaceX», «Meta», «John Deere», «Franklin Templeton», «Suez», «EDF», «Total Energies», «Voltaia», «Orano», «Linde», «Claas», «Sojitz», «Bomi», «OTP Bank», «Goldwind», «Calik», «Cengiz», «Aksa», «JBC» каби етакчи компания ва банклар раҳбарлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари — Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкило-

ти, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки ва Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси вакиллари иштирок этди. Кенгашининг асосий вазифалари муваффақиятли тажриба ва жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда мамлакатни инвестициявий, sanoat-технологик ва инновацион ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳат бериш ҳамда Ўзбекистон Ҳукумати билан хорижий инвесторлар ўртасида очик мулоқотни таъминлашдан иборат.

(Давоми 2-бетда).

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАР КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!  
Хурматли Одиль Рено-Бассо хоним!  
Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилишида сизлар билан учрашиб турганимдан беҳад хурсандман.  
Биз кеча Халқаро инвестиция форумида иқтисодий тизимини янада ривожлантириш масалаларини, стратегик аҳамиятга эга бўлган йўналишларни атрафлича муҳокама қилдик.  
Бугун эса сизлар билан тажриба алмашиш, аниқ лойиҳаларини амалга ошириш, янги ташаббус ва тақлифлар бўйича қиндан маслаҳатлашиб оламиз.  
Бундай форматдаги дўстона мулоқотларимиз ўзининг амалий натижаларини, янги-янги лойиҳаларни рўёбга чиқаришга қўшаётган бекиёс ҳиссаси билан алоҳида ажралиб туради.

Авалги учрашуларимиз ўз самарасини бера бошлади. Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтмоқчиман.  
Халқаро молия ташкилотлари билан мутлақо янгича ишлашга ўтиб, аниқ натижага қаратилган самарали ҳамкорлик тизимини жорий этдик. Хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўтган йили Ўзбекистонга рекорд миқдорда — 1 миллиард долларга яқин инвестиция киритди. Мамлакатимиз ушбу банкнинг минтақадаги энг йирик ҳамкорига айланди.  
Бундай ютуқларимизда Рено-Бассо хонимнинг улкан ҳиссаси борлигини, албатта, яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Яна бир бор сизга ўз миннатдорлигимни билдираман.  
Шунингдек, халқаро молия ташкилотларининг хусусий сектор билан ҳамкорлиги кескин кучайиб, улар бир қатор илгор корхоналар-

га тўғридан-тўғри инвестициялар киритишди. Жумладан, бир йил давомида уларнинг хусусий компания ва банклар билан қўшма лойиҳалари ҳажми 1 миллиард доллардан ортди.  
Яна бир йўналиш. Бугун бу учрашувда қатнашаётган компаниялар «яшил» энергия, чиқиндиларни қайта ишлаш, электр энергиясини сақлаш, «яшил» водород ишлаб чиқариш каби илгор соҳаларда янги лойиҳаларни бошлаганини алоҳида таъкидламоқчиман.  
Бу борада «Acwa Power», «Masdar», «Linde», «Shanghai Environment», «Total Energies» сингари етакчи компаниялар 8 миллиард доллардан зиёд инвестиция киритиб, «яшил» иқтисодийни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Россия етакчиси ва кўп миллатли халқини яқинлашиб келаётган давлат байрами — Россия кунини билан самимий табриклади.  
Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, олий даражадаги учрашуларда эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.  
Ўзаро товар айирбошлаш суръатини сақлаб қолиш ва sanoat кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида мувофиқлаштирилган чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилди.  
Икки мамлакат худудлари даражасидаги фаол алмашувлар ва амалий ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.  
Шунингдек, Ўзбекистон ва Россияда маданий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

ЎЗА.





Дўстлик ришталари

«Биз сизларни соғиниб келдик...»

Тожикистон ва ўзбек халқларини битта умумий тарих ва қадриятлар боғлаб туради. Қадимдан бу икки халқ бир дарёдан сув ичган, қариндошлик ришталари билан чамбарчас боғланган.

Кейинги йилларда Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомалӣ Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳурматли Шавкат Мирзиёевнинг истиқболли сиёсатлари боис икки давлат ўртасидаги қардошлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Яқинда туманимиздаги республикада ягона ўзбек театри — Шукур Бурҳонов номидаги Ўзбек мусикали драма театрига Ўзбекистонлик бир гуруҳ санъат намояндalари ташриф буюрди.

Ташриф буюриш вақтида театрнинг муҳлислари билан лиқ бўлди. Улар ҳузурда дастлаб Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева сўз олиб, икки халқ дўстлиги ҳусусида гапираркан «Биз сизларни соғиниб келдик...» деганида, қалблар алланечук мавжланди.

Тадбирда ўқилган нафис шеърлар, ижро этилган дилтортар куй-қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Сўз олганлар бундай дўстлик ва ҳамкорликнинг икки давлат раҳбарларининг тинчликпарвар сиёсатлари ёрқин нишонаси эканини алоҳида таъкидлашди.

Шубҳасиз, тожики ҳамда ўзбек халқларининг дўстона муносабатлари бардавом бўлғай!

Раҳматжон ШОЙИМҚУЛОВ, Тожикистон матбуоти ва маданияти аълоҳиси.

Мақсад улуг бўлса, ғалабалар шунча яқин

2026 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмаси учун саралаш мусобақалари доирасидаги Ўзбекистон — Қатар беллашуви ёрқин лаҳзаларга бой бўлди.

Ифтихор

Эътиборли томони, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионати йўлланмасига қадар босиб ўтган узоқ ва машаққатли йўлда қашқадарёлик моҳир футболчилар Отабек Шуқуров, Шерзод Насруллаев, Умарбек Эшмуродов, Бобур Абдухаликов, Хусниддин Алиқулов ҳамда Акмал Мозговойнинг ҳам катта ҳиссаси бор.

билан биргаликда томоша қилишди. — Жаҳон чемпионатида чиқиш ўғлимнинг энг катта орзуси эди, — дейди футболчининг онаси Гулилола Раҳматова. — Терма жамоага қақирилдими бор салоҳиятини ишга соларди. Бу йўлда ғалабали ўйинлар ҳам, муваффақиятсизликлар ҳам бўлди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Водийларни яёв кезганда...

ҚУЛАЙ ШАРОИТ — СИФАТЛИ ТАЪЛИМ

Олтиариқ туманидаги Азимобод маҳалласидаги мактаб биноси кам сонли ўқувчиларга мўлжалланган. Бу ерда 5 — 11-синфлар ўқитилса, ўқувчиларга синф хоналар етишмасди.



— Кўп йиллар шу мактабда раҳбар бўлиб ишлаганман, — дейди таълим фахрийси Бахтиёр Элчиев. — Мактаб ўқувчиларига синф етишмаслигиндан бу борада ёрдам беришни сўраб мутасаддиларга кўп мурожаат қилганмиз.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

УНУТИЛМАС ХОТИРАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАЁТГАН ФЕСТИВАЛЬ

Фарғонадаги Экошаҳар, Қўқондаги тарихий Ўрдада лаванда фестивали бўлиб ўтмоқда.

Фестиваль иштирокчилари қийғос гуллаган лавандаларнинг бетакрор гўзаллигидан баҳраманд бўлиб, махсус рецепт асосида лавандадан тайёрланган таомлар, музқаймоқ ва салқин ичимликлардан татиб кўрмоқда.

— Корхонамиз маҳсулотларига ўзимизнинг боғда етиштирилган, лабораторияларимизда синовдан ўтказилган 100 дан зиёд хомашё қўшилади, — дейди «Меҳригий» МЧЖ корхонаси раҳбари Хондамир Нуриддинов.

Фестиваль иштирокчиларга унутилмас лаҳзаларни улашмоқда.

ХУШЁР БЎЛГАН ДОҒДА ҚОЛМАЙДИ

Халқимизда «Ўт балосидан, сув балосидан...» деган нақл юради. Бинобарин, эҳтиётсизлик туфайли қутилмаганда содир бўладиган ёнғин қанчадан-қанча моддий неъматларга зарар етказиши мумкин.



«Долзарб 30 кун»

Шу жиҳатдан, жорий йил 20 майдан 20 июнга қадар турли соҳа ва корхоналарда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган «Долзарб 30 кун» профилактик тадбирлари ўтказилмоқда.

Ойлик доирасида профилактик рейдлар, ўқув тадбирлари, объекتلарнинг ёнғинга қарши ҳолатини текшириш ҳамда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Бунда уй-жой сектори, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари ва саноат корхоналарига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент шаҳридаги Яққасарой туманида жойлашган «Иссиқлик электр станциялари» АЖ филиали «Тошкент иссиқлик электр маркази»да ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус ўқув машғулотлари ташкил этилди.

на ходимлари билан бир қаторда Яққасарой тумани Фавқулодда вазирлар бўлими мутахассислари ҳам фаол иштирок этишди.

— Олиб борилган назарий ва амалий машғулотлар давомида ходимларга ёнғин келиб чиқишининг асосий сабаблари, бундай ҳолатларда қандай йўл тутатиш лозимлиги, ёнғин ўчириш воситаларидан тўғри ва самарали фойдаланиш ҳамда эвакуация тартиблари кенг тушунирилди, — дейди «Тошкент иссиқлик электр маркази»нинг ёнғин хавфсизлиги бўйича катта инспектори Ойбек Рухиддинов.

«Халқ сўзи».



Боксчиларимизнинг Европадаги муваффақияти

Нидерландияда бокс бўйича «Eindhoven cup» турнири якунига етди. Ушбу мусобақада иштирок этган Ўзбекистон терма жамоасининг уч нафар аъзоси чемпионлик учун рингга кўтарилди.



Ҳамюртларимиздан Абдумалик Ҳалоков (-60 кг.) ва Тўрабек Ҳабибуллаев (-90 кг.) финал жанглирини муваффақиятли ўтказиб, олтин медалга эга чиқди.

Қайд этиш жоизки, мусобақа давомида ёрқин жанглири билан ажралиб турган Абдумалик Ҳалоков «Турнирнинг энг яхши эркак боксчиси» деб топилди.

«Ёшлар кубоги» веломарафони фолиблари аниқланди

Олий Мажлис Сенати, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Спорт вазирлиги, Ўзбекистон велосипед спорти Федерацияси ва Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг марказий кўчалари бўйлаб «Ёшлар кубоги» веломарафони ташкил этилди.



Мусобақа натижаларига кўра ўғил болалар ўртасида 1-ўринни Руслан Жалолитдинов, 2-ўринни Умид Бахтиёров ва 3-ўринни Даниэл Мирзабоев кўлга киритди.

Гуллар байрами доирасида халқаро турнир

Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» спорт мажмуасида 64-Халқаро гуллар фестивали доирасида Шотокан каратэ-до спорт тури бўйича очик халқаро турнирига старт берилди.



Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Гуллар фестивали доирасида маданий-маърифий, спорт йўналишларида бўлиб ўтаётган тадбирлар ёшларимизни соғлом, баркамол шахслар бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумот учун айтиш жоизки, мазкур спорт мусобақасида Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Ўзбекистоннинг барча ҳудудидан ёш спортчилар иштирок этаётир. Улар ўз маҳоратларини синовдан ўтказиб, халқаро таҳриба алмашиш имкониятига эга бўлмоқда.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎЗА, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими, «Фарғона ҳақиқати» - «Ферганская правда» газеталари таҳририяти Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмағида 2025 йил 15 - 22 август кунлари пойтахтимиздаги Тошкент Фотосуратлар уйида «Ўзбекистон - Хитой: ШҲТ доирасида ҳамкорлик» мавзусида фотокўргазма ва танлов ўтказилади.

RESPUBLIKA OLIMPIYA ZAXIRALARI TENNIS MAKTABI. 2013, 2014 va 2015-yillarda tug'ilgan iqtidorli o'g'il va qiz bolalarni o'qishga qabul qilishni e'lon qiladi. Qabul umumta'lim maktabida o'qiyotgan yoki 5-sinfga o'tayotgan, viloyat yoki shahar sport boshqarmalari, federatsiyalar va sport maktablarining tavsiyanomalariga ega bo'lgan bolalar orasida amalga oshiriladi.

Ўзбекистон 2028 йилгача ўз сунъий йўлдошини коинотга учиради. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғи — 642. 13 107 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.